

**Мирмухсин Рустамович АКРАМОВ,**  
Ўзбекистон халқаро ислом академияси  
Дин психологияси ва педагогика кафедраси  
катта ўқитувчиси фалсафа доктори (PhD)  
[akramov\\_m@mail.ru](mailto:akramov_m@mail.ru)

## МАТНЛАРНИ ИДРОК ЭТИШДА ПСИХОЛИНГВИСТИКАНИНГ ЎРНИ

### РОЛЬ ПСИХОЛИНГВИСТИКИ В ПОНИМАНИИ ТЕКСТОВ

### THE ROLE OF PSYCHOLINGUISTICS IN THE COMPREHENSION OF TEXTS

**Аннотация.** Мазкур мақолада матнлар перцепцияси билан боғлиқ ҳолатлар талабалар мисолида кўриб чиқилган, глобал бирликлар тузилмаси каби концептлар, матнлар психолингвистик жиҳатдан таҳлил қилинган. Шунингдек, матнларни ўрганиш ва идрок этишида психолингвистикадаги йўналишлар ажратиб кўрсатилган ҳамда талабалар матнлар мазмунини англашда психолингвистик тавсиялар келтириб ўтилган.

**Таянч сўзлар:** матн бирликлари, идрок этиши, психолингвистика, талабалар, нутқ, концепт, маъно-мазмун, интерпретация.

**Аннотация.** В данной статье на примере студентов рассматриваются случаи, связанные с восприятием текстов, психологически анализируются такие понятия, как структура глобальных единиц, тексты. Также выделяются направления психолингвистики в изучении и восприятии текстов и даются психолингвистические рекомендации в понимании содержания текстов студентами.

**Ключевые слова:** текстовые единицы, познание, психолингвистика, студенты, речь, понятие, значение, интерпретация.

**Annotation.** In this article, on the example of students, cases related to the perception of texts are considered, concepts such as the structure of global units and texts are psychologically analyzed. Also, the directions of psycholinguistics in the study and

perception of texts are highlighted and psycholinguistic recommendations are given in understanding the content of texts by students.

**Keywords:** text units, cognition, psycholinguistics, students, speech, concept, meaning, interpretation

Сўнгги йилларда психолингвистика тобора мустақил илмий йўналиш мақомига эга бўлиб, мазкур соҳага оид тадқиқотлар кўлами кенгайиб, чуқурлашиб бормоқда. Чунки инсоннинг қай тарзда сўзлаши, унда нутқнинг пайдо бўлиш ва шаклланиш жараёни билан боғлиқ масалалар шу соҳадаги изланувчиларни аввалдан қизиқтириб келган. Жамият ривожланиб борган сари инсон дунёқараши, тафаккури, идроки ва нутқи ҳам тадрижий равишда ўзгариб боради. Умуман олганда, кишилар ижтимоий-психологик тажрибаси мужассамланган халқ онгининг унсурлари-концептларини тадқиқ этиш ҳозирги замон психолингвистикасининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Л.В.Балашованинг фикрича, инсон баъзан билимнинг глобал бирликлари тузилмаси каби концептлар ёрдамида фикрлайди. Шу билан бирга, дунёнинг лисоний ва концептуал манзараси турли хил усул ва воситалар асосида шаклланади [1:21].

Таълим муассасаларида талабалар турли хил матнлар билан ишлайди ва ўрганади. Шу жиҳатдан, талабаларда матнларни идрок этилиш масаласида асосан, матннинг маъно-мазмунига алоҳида эътибор бериш масаласи биринчи даражалидир. Матнда маъноларнинг шаклланиши-бу талаба томонидан ижтимоий тушунчалар ва умумлаштирилган ҳаракатлар образи, билимлар жараёни кабиларни эгаллаш демакдир. Бунда, албатта субъектнинг тўғридан-тўғри тайёр билимлар лойиҳасини тушуниши назарда тутилмайди. Гап индивидуал предмет фаолиятидаги билиш системаси жараёнининг шаклланиши ҳақида кетяпти. Демак, шуни назарда тутиш лозимки, матндаги индивидуал маънолар системасининг қурилиши ва бу пировард натижада айнан шу хил ўзлаштиришнинг ва шундай лойиҳанинг мақсадидир. Чунки индивидуал система ёки индивидуал маънолар системаси, турли ўлчов даражадаги ва қобилятлар аста-секин

шаклланади. Кейинги йилларда нутқий ҳодисалар тадқиқида борган сари матнларнинг айрим ҳодисаларини эмас, балки семантик ва перцептив категорияларнинг шаклланиши ҳақидаги умумлашган кўринишларини ўрганиш ҳам назарда тутилмоқда. Сўнги ҳолат тўғридан-тўғри замонавий психоллингвистика учун характерли бўлган анъаналар: матн бирликлари маъноларини ўрганиш, синтаксиснинг психосемантикага мурожаати ва сўзловчи инсонга бўлган мўлжал билан боғлиқ.

Матнларни ўрганиш ва идрок этишда психоллингвистикада қуйидаги йўналишларни ажратиш мумкин. Дастлабки йўналишда олий асаб тизими фаолияти бузилган инсонларда матннинг қабул қилиниши текширилган. Кейинги йўналишда махсус матнлар ёрдамида тадқиқотлар амалга оширилган. Учунчи йўналишда тилнинг турли услубларида яратилган оддий матнлардан фойдаланилган. Ҳар уч йўналишда ҳам икки хил тадқиқот усули мавжуд. Биринчи усулга кўра, жараённинг ўзини унинг якуний натижасига қараб таҳлил қилинади. Бунда матн қабул қилинаётганда миянинг ишлашини бевосита кузатиб бўлмайди, қабул қилиб бўлингач, инсон онгида матн проэкцияси ҳосил бўлади, айнан шу проэкцияни асл матн билан солиштирилган ҳолда жараён ҳақида ҳулосалар чиқарилади. Иккинчи усул эса бевосита жараённинг ўзини нейрометодлар воситасида кузатишга ҳаракат қилинаётган ишлар. Бу усул асосан АҚШ, Голландия каби психоллингвистика ривожланган мамлакатларга тегишлидир. Тадқиқотчилар синалувчилар миясидаги қўзғалишларни махсус асбоблар ёрдамида қайд этиб боради (2).

Психоллингвистиканинг асосчиларидан бири Чарлз Осгуд матн бирликлари сифатида айнан гап, функционал синф, нуклеус, сўз, фонема ва бўғинни белгилайди. Осгуд кодлаш ва декодлаш учун бир хилдаги босқичларни белгилайди: мотивацион босқич, семантик қаторни белгилловчи босқич, интеграцияловчи босқич. Кодлашда дастлабки босқичнинг бирлиги сифатида гап белгиланади, 2 босқичда функционал синфлар, 3 босқичда сўз, 4 босқичда бўғин билан ишлаш кўрилади деб ҳисобланади. Декодлашда эса биринчи босқичда

гап, 2 босқичда нуклеуслар қабул қилинади, 3 босқичда сўз, 4 босқичда фонема [2:107].

Сўнги йилларда амалга оширилган тадқиқотларда ҳам матн бирликлари масаласига катта эътибор қаратилган. Белорус олими Н.Эвчик ўзининг илмий ишларида тилнинг идрок этиш базасини назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этади. У ўзидан олдинги тадқиқотларга таянган ҳолда нутқни тушуниш қуйидаги бирликлар асосида амалга ошади деб айтади: 1) нутқ мазмуний бирликларининг типик бўлган ритмик – методик структуралари; 2) ритмик – методик структураларга кирувчи бўғинлар; 3) бу бўғинларни ташкил этувчи фонемалар [3:33]. Шу жиҳатдан олиб қаралганда, ўқувчилар нутқини ўрганишда матнларнинг идрок этилиш масаласи мураккаб психологик жараён сифатида турли хил ҳолатлар доирасида ўрганилган. Бу кабиларнинг асосийлари когнитив, психологик ва психоллингвистик йўналишларда акс этган. Шунинг учун ҳам матнларни ўрганиш масаласи психоллингвистикада янги тадқиқотларни юзага келиш имкониятини яратиши мумкин.

Одатда, тилнинг бажарадиган кўплаб функциялари қаторида баъзилари энг муҳим эканлиги кўрсатилади: тил одамлар орасида энг муҳим алоқа воситасидир; у инсониятнинг ижримоий тарихий тажрибасини сақлаш учун хизмат қилади; тил тафаккурнинг асосий элементи вазифасини бажаради. Булар ҳар қандай тилнинг энг муҳим, асосий функциялари ҳисобланади. Аммо тилнинг функционал имкониятлари бу билангина чекланмайди. Аналитик фалсафа вакиллари тилнинг илмий хусусиятига эътибор қаратган бўлса, постмодернизмда тил ва матнларнинг илмий-фалсафий мазмун-моҳияти билан бир қаторда унинг эстетик хусусиятига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Немис математики ва мантиқшуноси Г. Фреге формаллашган тил ғоясини ишлаб чиққан. У формаллашган тил учун икки тамойил характерли деб кўрсатди: биринчиси, бир маънолилик принципи бўлса, иккинчиси, предметлик принциpidир. Бироқ олим тилнинг ривожланиш хусусиятлари ҳамда универсал томонларини эътибордан четда қолдиради. Чунки В. Гумболдт айтганидек, “тил ўзига хос

реаллик бўлиб, ўзини ўзи ривожлантиради, ўзини ўзи ишлаб чиқаради”. Бу ҳолат тилда ҳам бунёдкорлик руҳи мавжуд эканлигидан далолат беради [4:14]. М.Шлик эса “матнларда мантикқа тўғри келмайдиган, икки маъноли сўзларни чиқариб ташлаш керак” деган фикрни майдонга ташлайди. Л.Витгенштейн “тил – ўйиндир” деб таъкидлайди. Ш.Талейран ҳам “тил инсонга ўз фикрини яшириш учун берилган” деган эди [5:25].

Одатда, тилнинг бажарадиган кўплаб функциялари қаторида баъзилари энг муҳим эканлиги кўрсатилади: тил одамлар орасида энг муҳим алоқа воситасидир; у инсониятнинг ижримоий тарихий тажрибасини сақлаш учун хизмат қилади; тил тафаккурнинг асосий элементи вазифасини бажаради. Булар ҳар қандай тилнинг энг муҳим, асосий функциялари ҳисобланади. Аммо тилнинг функционал имкониятлари бу билангина чекланмайди. Аналитик фалсафа вакиллари тилнинг илмий хусусиятига эътибор қаратган бўлса, постмодернизмда тил ва матнларнинг илмий-фалсафий мазмун-моҳияти билан бир қаторда унинг эстетик хусусиятига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Немис математиги ва мантиқшуноси Г. Фреге формаллашган тил ғоясини ишлаб чиққан. У формаллашган тил учун икки тамойил характерли деб кўрсатди: биринчиси, бир маънолилиқ принципи бўлса, иккинчиси, предметлик принциpidир. Бироқ олим тилнинг ривожланиш хусусиятлари ҳамда универсал томонларини эътибордан четда қолдиради. Чунки В. Гумбольт айтганидек, “тил ўзига хос реаллик бўлиб, ўзини ўзи ривожлантиради, ўзини ўзи ишлаб чиқаради”. Бу ҳолат тилда ҳам бунёдкорлик руҳи мавжуд эканлигидан далолат беради (7). М.Шлик эса “матнларда мантикқа тўғри келмайдиган, икки маъноли сўзларни чиқариб ташлаш керак” деган фикрни майдонга ташлайди. Л.Витгенштейн “тил – ўйиндир” деб таъкидлайди. Ш.Талейран ҳам “тил инсонга ўз фикрини яшириш учун берилган” деган эди [7:25].

Талқин жараёнида интерпретация турлари ва матнга қай йўсинда ёндашиш лозимлиги тўғрисида билиб олиш лозим.

– Сўз билан боғлиқ интерпретация – матн тили, сўз ва сўзлар манбайи изоҳи;

– Тарихий интерпретация – герменевтни матн пайдо бўлган давр билан таништирувчи талқин;

– Техник интерпретация – матндаги тасвирий воситалар ёки изоҳи бўлмаган хошиялар.

Р.О. Якобсон замонамизнинг тилшунос олимларидан бири ҳисобланади. У томонидан илгари сурилган тилнинг эмотив, фатик, металисоний ва эстетик функцияларини ўрганиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Яна бир тилшунос олим Т.Б. Кудряшованинг таъкидлашича, тил ноёб, бироқ ягона белгили тизим эмас. Уни асарларнинг тили билан, йўл белгиларининг тили билан, мусиқа ва дастурлаштиришнинг алгоритмли тили билан қиёслаш мумкин [9:142]. Э.Н. Мотовникова фикрича, товушлар, имо-ишоралар, расмлар, чизма ва белгилар сифатида ҳисобланиши мумкин. Улар кишининг сезги аъзолари томонидан ҳис қилинади, асаб системаси ва онгига таъсир қилади.

Тил, матнни идрок этиш ва фалсафанинг уйғунлиги, уларнинг алоқадорлиги ва шу доирадаги муаммоларнинг тил ҳамжамияти аъзолари орасида ишлатиладиган конвенсияда намоён бўлади. Масалан, шундай конвенсия тушунчаларини аниқ тил материаллари билан боғлашга Сепир ва Уорф гипотезаларининг муҳокамасида ҳаракат қилинган. Шу билан бирга референсиянинг бундай чалкаш назариялари-масалан, Крипке ва Патнем ёндашуви каби-конвенсия чегараларини сезиларли даражада кенгайтиради, унинг хоссаларини моделлаштиради. Бу ёндашув бир қатор кенгайтирилган референсия назарияларида амалга оширилган [10:37]. Булар референсия назариясига қандайдир ижтимоий-маданий ўлчов бериш учун матн, семантика ва бошқа техник воситалардан фойдаланадилар.

Аналитик фалсафа вакиллари Л. Витгенштейн, Р. Карнап, Ж. Остин, Б. Рассел, В.П. Рудневлар эса тилнинг илмийлик чегараси масаласига ўз эътиборларини қаратадилар. Уларнинг фикрича, тил борлиқни ўзлаштиришдаги муҳим маънавий-руҳий

воситадир. Жумладан, Л. Витгенштейн ўз трактатида тилни умумий маънода феноменологик ҳодиса деб таъкидлайди. Бунда тилнинг айрим бошқа маълумотлар-танишув объектлари билан биргаликда иш олиб бориши кўзда тутилади.

Бошқа таҳлилчи файласуфлар, масалан, Гилберт Райл матнлар таҳлилини бирмунча конструктив равишда қўллайди. Матндаги тушунчаларимизнинг идрок этилган тарздаги бирлашиш усуллари тушунтириш билан тил ва феноменларнинг аслида нимадан иборат эканлигини анча аниқроқ англаб олишимиз мумкин.

Бундай услуб шундай фараз қиладики, таҳлилий жиҳатдан идрок этилган тажриба ёрдамида биз қандай тушунчаларнинг бирлаша олиши мумкин эмаслигини аниқлашга ҳаракат қиламиз [11:19]. Тил тўғрисидаги қарашларнинг ривожланиши натижасида унинг формал жиҳатларини мантикий-гносеологик жиҳатдан таҳлил этишга алоҳида эътибор қаратилади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, жаҳон психологиясида тил ва унинг психологик томони билан боғлиқ назарий ва амалий томонларига доир кўплаб илмий тадқиқотлар ўтказилганки, то ҳозирги кунга қадар бу илмий ишлар ўзининг аҳамиятини ёъқотмасдан келмоқда. Шу жиҳатдан ҳар бир шахснинг нутки жумладан, ўқувчиларда матнлар перцепциясини тўғри тасаввур эта олиши, мазмунини осон ва қулай англаб этиши, унинг психологик хусусиятларини тушуниши матн мазмунини комплекс амалга ошишига ёрдамчи рол вазифасини ўташи мумкин.

#### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Балашова Л.В. Концепт детство в метафорической системе языка.-М.2004. –С.21.
2. Сахарный Л.В. Контекстное и ннеконтекстное в восприятии лексико-семантической стороны слова.-М.1986.-С.107.
3. Леонтьев А.А.Психолингвистика.-М.1967.-С.33.
4. Евчик Н.С. Перцептивная база языка.- Минск.2001.-С.14.
5. Фреге Г. Смысл и значение// Избранные работы.- М.,ДИК,1997. – С.25-49.
6. Талейран Ш.М. Мемуары.-М.,1998. – С.54.
7. Фреге Г. Смысл и значение// Избранные работы.- М.,ДИК,1997. – С.25-49.
8. Талейран Ш.М. Мемуары.-М.,1998. – С.54.
9. Бахтин М.М. Вопросы литературы и эстетики.-М.,1985. – С.142.
10. Кудряшова Т.Б. Онтология языков познания: дис.д-ра филос.наук.09.00.01.2003. – С.370.
11. Мотовникова Е.Н. Методологический статус концепций языка в социальном познании: дис. канд. филос. наук.09.00.01. Хабаровск.,2003. – С.196.
12. Гилберт Р. Понятие сознания. Идея-пресс.,2000. – С.408.